
Ижтимоий тармоқлар орқали “Банк ходимлари мижозларни нега ҳурмат қилмайди?” сарлавҳаси остида тарқалган фуқаролар мурожаатига Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизматининг РАСМИЙ МУНОСАБАТИ

Марғилон шаҳар Б.Марғилоний кўчаси 17-Б уйда “Hamkorbank” АТБ Марғилон шаҳар филиалининг “Ипакчи” минибанки жойлашган. Ушбу минибанкда 24 соат давомида банккомат ишлайди. Банккоматга нақд пуллар банк асосий филиалидан олиб келиб тўлдирилади. Бу амалиёт маълум вақт талаб қилади. Ушбу вақтни қисқартириш, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида банккоматни нақд пул билан тўлдириш ишлари тушлик пайтида амалга оширилади.

Фуқаролар томонидан эътироз бўлган куни ҳам тушлик пайтида банк ходимлари банккомат нақд пул кассеталарини “Hamkorbank” АТБ Марғилон филиалига олиб бориб тўлдириб қайтишган. Мижозлар эса бу вазиятни “банк ходимлари тушликдан кеч қайтишди” деб тушунишган. Мурожаатда “банккоматни купюралар билан тўлдириш учун анча вақт кетди” деб ёзилган. Ваҳоланки, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, банккомат купюралари банккоматга тўғридан-тўғри қўйилмайди. Купюралар банккомат кассеталарига асосий филиалдан тўлдирилиб кейин банккоматга олиб келиб жойланади.

2020-03-02 08:43:59